

Хушхабар: Тошкент туманидаги «Ҳазрати Билал» жоме масжиди қайта таъмирланиб, илк жума намози ўқилди



22:02 / 11.09.2020 2220

Бугун юртимизнинг кўпгина масканларида мўмин муслмонлар учун кўркам ва замонавий, барча шароитларга эга бўлган масжидлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.




Хусусан, бугун 11 сентябрь куни Тошкент вилояти Тошкент туманидаги улуғ саҳобий номи берилган «Ҳазрати Билол» жоме масжиди ҳам қайтадан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда fitrat.uz сайти хабар берди.




Бугун ушбу масжидда мўмин мусулмонларимиз илк жума намозини жамоат билан адо қилишди.

Масжиднинг қурилиш ишлари 2018 йилнинг ёз фаслида бошланган бўлиб, ҳозирда янги қурилган масжид 1050 нафар намозхонни ўз бағрига сиғдира олади.

Бундан ташқари «Ҳазрати Билол» масжидида замонавий таҳоратхона қуриб битказилган. Шунингдек, масжид ҳовлисининг том қисми ҳам ёпилган. Бу эса мусулмонларнинг ёғингарчилик пайтида ҳам ўз ибодатларини тўла тўқис адо қилишлари учун қулай шароитлардан биридир. Ҳозирда масжид кутубхонаси, қоровулхона, имом ноиб ҳамда имом хатиб хоналарининг қурилиш жараёни давом этмоқда.





Авваллари ушбу масжид мўмин мусулмонларнинг ибодат қилиши учун яроқсиз ҳолатга келиб қолган эди, дейди масжид имом хатиби Аҳмаджон домла Шамсихўжаев. — Масжид асосан ҳашар йўли билан қайтадан қурилди. Бугун замон талабларига тўла жавоб берадиган масжид барпо этилди. Масжидимиз қурилишида кўмакдош бўлган барча юртдошларимиздан Аллоҳ таоло рози бўлсин! Ҳақ таоло икки дунё саодатидан баҳраманд қилсин!

Тошкент вилояти вакиллиги матбуот хизмати